



2024-2025 ЙИЛЛАРДА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАР ОРАСИДА УЧРАГАН ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР ТАҲЛИЛИ

**Юсупова Орзигул
Бобожонова**

Урганч Давлат тиббиёт институти

**Бектурдиева
Махфира Отабековна**

Урганч Давлат тиббиёт институти

Annotatsiya

Ҳозирги кунда бутун дунёда инсон организмида текинхўрлик қилиб яшайдиган гижжаларнинг 270 дан ортиқ турлари маълум. Ушбу мақолада 2024-2025 йилларда Хоразм вилоятининг Урганч шаҳри ва Хонка туманларида яшовчи мактабгача ёшдаги болалар орасида учраган паразитар касалликлар, турлари ва тарқалганлик даражаси ўрганилган. Шунингдек, уюшган ва уюшмаган болалар ўртасида паразитар касалликларнинг ҳудудий тарқалиш кўрсаткичлари таҳлил қилиниб, касалланишни ёш гуруҳлари орасида тарқалиш сабаблари ҳамда паразитар касалликларни камайтиришга қаратилган чоратadbирларни кучайтириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Kalit soʻzlar:

Паразитар касалликлар, уюшган ва уюшмаган болалар, шаҳар ва қишлоқ.

Analysis of parasitic disease in Khoresm region among preschool children in 2024 and 2025

**Yusupova Orzigul Babadjanovna,
Bekhturdiyeva Makhfira Otabekovna**
Urgench state medical institute

Abstract. Currently, more than 270 species of parasites that live in the human body are known worldwide. This article studies the types and prevalence of parasitic diseases among preschool children living in the city of Urgench and the district of Honka in the Khorezm region in 2024-2025. In addition, the regional prevalence of parasitic diseases among organized and unorganized children was analyzed, and the reasons for the spread of the disease among age groups and strengthening measures aimed at reducing parasitic diseases are one of the urgent tasks of today.

Keywords: Parasitic diseases, organized and unorganized children, urban and rural.

Анализ паразитарных заболеваний среди детей дошкольного возраста в Хорезмской области в 2024-2025 годах.

Юсупова Орзигул Бобожоновна,
Бектурдиева Махфира Отабековна
Ургенчский Государственный медицинский институт

Аннотация. В настоящее время в мире известно более 270 видов паразитов, обитающих в организме человека. В данной статье изучаются виды и распространенность паразитарных заболеваний среди детей дошкольного возраста, проживающих в городе Ургенча и Ханкинского района Хорезмской области в 2024-2025 годах. Кроме того, одной из неотложных задач современности является анализ распространенности паразитарных заболеваний среди организованных и неорганизованных групп детей, определение причин заболеваемости и усиление мер, направленных на снижение уровня паразитарных заболеваний.

Ключевые слова: паразитарные заболевания, организованные и неорганизованные дети, городские и сельские.

Гижжа касалликлари инсониятга жуда қадим замонлардан буён маълум. Буюк мутафаккир олим, файласуф ва шифокор Абу Али ибн Сино (Авиценна) маълумотларига қараганда, гижжалар иштаха бузилиши, тана ҳароратининг кўтарилиши, мия, ичак фаолиятининг бузилиши, юрак соҳасидаги нохуш сезги каби оғир ва хавфли ҳолатларни (симптомларни) келтириб чиқариши маълум. Ҳозирги кунда бутун дунёда инсон организмда текинхўрлик қилиб яшайдиган гижжаларнинг 270 дан ортиқ турлари амьлум. Улардан 40 тури кишиларга доимий равишда ҳамроҳлик қилиб яшайди. Гелминтозларга учраган беморларда ҳар бир гелминтозга хос аниқ клиник аломатлар бўлмаслиги уларнинг ташхисини янада қийинлаштиради. Лаборатория текширувларидан кейин аниқ ташхис қўйиш мумкин.

Гелминтларнинг организм учун керакли минерал, оксил, углевод ва ёғларни ўзлаштириши ва улар ҳаёт фаолияти натижасида ҳосил бўладиган махсулотлар натижасида организмда сенсбилизация кучайиши кузатилади. Сенсбилизация хусусияти ва аллергенларнинг организмга қайта тушиши натижасида организмда турли реакциялар хусусан эшакеми тошиши, шишлар, нафас қисиши ҳолатлари шулар билан бир қаторда ўткир томир етишмовчилиги каби нохуш ҳолатлар юзага келиши мумкин. Кейинги даврларда аллергия ҳолатлари билан бир қаторда айрим турдаги паразитлар натижасида ичак тутилиш ҳолатлари ва гелминтлар натижасида ичакнинг тешилиш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда. Гелминтлар шиллиқ пардалар, тўқималар ва органларни шикастлаши натижасида оғир оқибатларни келтириб чиқариш ҳолатлари кузатилган. Паразитнинг тури, захарланиш даражаси ва организмнинг индивидуал хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда турли клиник белгилар юзага келиши мумкин.


Тадқиқот мақсади: Хоразм вилоятида яшовчи мактабгача бўлган ёшдаги болаларда учрайдиган паразит турлари, ушбу ёш гуруҳлари ичида паразитар касалликларга чалиниш хавфи юқори бўлган ёшни аниқлаш, ўғил ва қиз болалар ўртасида паразитар касалликларнинг тарқалиш кўрсаткичини таҳлил қилиш натижалари асосида паразитар касалликларни олдини олиш қаратилган муҳим профилактик тадбирларни кучайтириш.

Материаллар ва усуллар: Tadqiqotlar Xorazm viloyatini Sanitariya-epidemiologik osoyishtalik va jamoat salomatligi boshqarmasining 2 ta hududiy bo`linmasida Urganch shahar va Xonqa tuman sanitariya epidemiologik osoyishatlik va jamoat salomataligi bo`limlari Parazitologiya tahlilgohlarida tekshirilgan maktabgacha yoshdagi bolalarda Parazitar kasalliklar turlarini tahlil qilish asosida olib borildi. Тадқиқотни ўтказиш учун жами 2181 нафар мактабгача ёшдаги болалар таҳлил учун олинди.

Текширув натижалари:

Кузатувимиздаги жами 2181 нафар болларнинг 900 нафари Хонқа туманида яшовчи болалар 41.1% ва 1281 нафари 58.9 % и Урганч шаҳрида яшовчи болалар ташкил қилди.

Таҳлилдаги болларнинг хуудлар бўйича сон кўрсаткичлари



Болалар орасида кенг тарқалган юқиш йўли контакт йўли ҳисобланади. Ўз-ўзидан маълумки шахсий гигиена қоидаларига етарлича риоя қилмаслик ва оналарнинг болаларига етарлича эътибор бермаслиги, оилада болалар сонининг кўплиги, шунингдек кўрпа- чойшаб ва ички кийимларнинг ҳар бир бола учун қатъиян белгилаб қўйилмаганлиги ушбу касалликларнинг юқиши хавфини янада оширади.

2024 йилда ўрганилган ҳудудларда мактабгача ёшдаги уюшган ва уюшмаган гижжа касалликлари билан инвазияланган болалар сони.

Касалланиш кўрсаткичи (КК) уюшган болалар орасида			Касалланиш кўрсаткичи (КК) уюшмаган болалар орасида	
№	Мутлақ сонда	Фоизда	Мутлақ сонда	Фоизда
Хонқа	219 нафар	42,44±2,17	297 нафар	57,56±2,17
Урганч	149 нафар	21,75±1,57	536 нафар	78,24±1,57

Юқоридаги жадвалдан шу нарса яққол намоён бўладики 2024 йилда Хонқа туманида паразитар касалликлар билан инвазияланганлар сони уюшган болаларда 219 нафарни, 42,44±2,17 ни ташкил қилган бўлса, уюшмаган болалар жамоаларида 297 нафарни 57,56±2,17 ташкил қилган. Урганч шаҳрида яшовчи болаларда эса буни акси бўлиб уюшмаган болалар орасида гижжалар билан инвазияланиш юқори даражада бўлиб жами 685 нафар инвазияланган болалар (ИБ) бўлиб улардан 149 нафари МТМ муассасалари тарбияланувчилари бўлган қолган 536 нафари 78,24±1,57 и уйда тарбияланаётган болалар ташкил қилган. Бу рақам шуни кўрсатадики 2024 йилда Урганч шаҳрида уйда тарбияланаётган болалар учун паразитар касалликларнинг келиб чиқиши ва ривожланиши учун етарлича шароит мавжуд бўлган. Аксинча мактабгача таълим муассасалари (МТМ) ларда болаларнинг санитария гигиена қоидаларига риоя қилиши қатъиян назоратга олинганлиги маълум бўлади.

2025 йилда ўрганилган ҳудудларда мактабгача ёшдаги уюшган ва уюшмаган гижжа касалликлари билан инвазияланган болалар сони.

Касалланиш кўрсаткичи(КК) уюшган болалар орасида			Касалланиш кўрсаткичи (КК) уюшмаган болалар орасида	
№	Мутлақ сонда	Фоизда	Мутлақ сонда	Фоизда
Хонқа	235 нафар	61,10±2,45	149 нафар	38,40±2,45
Урганч	99 нафар	16,6±1,52	497 нафар	83,40±1,52

2025 йилга келиб Хонқа туманида паразитлар билаб инвазияланган болалар уюшган болалар орасида 235 нафарида кузатилган бўлиб бу $61,10 \pm 2,45$ и, уйда тарбияланаётган болалар орасида паразитар касалликлар ташхиси қўйилган болалар 149 нафарни яъни $38,40 \pm 2,45$ фоизни ташкил қилди. Урганч шаҳри 2025 йилда ҳам уюшмаган болаларни паразитар касалликларга чалиниши бўйича етакчи сифатида қолмоқда яъни 497 нафар $83,40 \pm 1,52$ и ташкил қилмоқда. Урганч шаҳрида уюшмаган болалар орасида санитария-гигиена қоидаларига етарли даражада риоя қилинмаслиги, назоратнинг сустлиги ва профилактик тадбирларнинг камлиги билан боғлиқ. Уюшган болалар орасида етарлича санитария гигиена қоидаларига риоя қилинганлиги, шунингдек мактабгача таълим муассасига қабул қилинишидан олдинги тиббий кўрикнинг мажбурий равишда ташкил қилинганлиги натижасида МТМ тарбияланувчилари орасида паразитар касалликлар кўрсаткичи (ПКК) сезиларли даражада кам учраганлиги қайд қилинди. Худудлараро қиёсий таҳлиллар шуни кўрсатадики, Хонқа туманида уюшган болалар орасида касалланиш устун бўлса, Урганч шаҳрида аксинча, уюшмаган болалар орасида касалланиш даражаси юқори бўлган. Бу ҳолат ҳар бир худуднинг ижтимоий-маиший шароити, аҳолининг гигиеник маданияти, мактабгача таълим муассасаларида олиб борилаётган профилактика ишларининг сифати билан бевосита боғлиқ

2024-2025 йилларда таҳлил учун олинган паразитар касалликлар ташхиси қўйилган ўғил ва қиз болалар сони

Йиллар кесимида	Қиз болалар			Ўғил болалар	
	Худуд номи	Мутлақ сонда	Ўртача кўрсаткич	Мутлоқ сонда	Ўртача кўрсаткич
2024	Хонқа	245 нафар	$47,48 \pm 2,19$	271 нафар	$52,52 \pm 2,19$
	Урганч	293 нафар	$42,77 \pm 1,89$	392 нафар	$57,22 \pm 1,89$
2025	Хонқа	185 нафар	$48,1 \pm 2,54$	198 нафар	$51,8 \pm 1,89$
	Урганч	307 нафар	$51,51 \pm 2,02$	290 нафар	$48,49 \pm 2,02$

Бу жадвалда келтирилган маълумотлар худудлар ва йиллар кесимида касалланишни жинслараро тарқалишида фарқлар мавжудлигини кўрсатади. Хонқа туманида 2024 йилда паразитар касалликлар билан касалланган болаларнинг умумий сони 245 нафарни ташкил этган бўлиб, шундан қиз болалар $47,48 \pm 2,19$, ўғил болалар эса $52,52 \pm 2,19$ ни ташкил қилган. Бу кўрсаткич ўғил болалар орасида касалланиш нисбатан устун эканлигини кўрсатади. Урганч шаҳрида эса жами касалланган 685 нафар боланинг 293 нафари $42,77 \pm 1,89$ ини қиз болалар ташкил қилган, қолган 392 нафари $57,22 \pm 1,89$ и ўғил болалар ташкил қилади. 2025-йилда эса Хонқа туманида жами 185 нафар қиз болаларда яъни жами касалланган 383 нафар болаларнинг 185 нафари $48,1 \pm 2,54$ ини қиз болалар, 198 нафар $51,8 \pm 1,89$ ини ўғил болалар ташкил қилган. Урганч шаҳрида жами 597

нафар болада паразит аниқланган бўлса улардан 307 нафари $51,51 \pm 2,02$ ини қиз болалар, қолган 290 нафари $48,49 \pm 2,02$ ни ўғил болалар ташкил қилади.

2024 йилда аниқланган паразитар касалликларни турли ёшли болалар

орасида тарқалганлиги

	1 ёш		2 ёш		3 ёш		4 ёш		5 ёш		6 ёш		7 ёш	
	аб.с	%	Аб.с	%	Аб.с	%	Аб.с	%	Аб.с	%	Аб.с	%	Аб.с	%
Урганч шаҳри	26	3.8 +0.7	96	14.01 $\pm 1,325$	153	22.33 $\pm 1,59$	118	17.22 $\pm 1,44$	108	15.76 $\pm 1,39$	83	12.11 $\pm 1,24$	98	14.3 $\pm 1,3$
Хонка тумани	22	4.26 $\pm 0,85$	60	11.62 $\pm 1,41$	117	22.67 $\pm 1,84$	99	19.18 $\pm 1,73$	95	18.41 $\pm 1,7$	59	11.34 $\pm 1,39$	64	12.4 $\pm 1,44$

Юқоридаги жадвалдан шу нарса аниқландики 2024 йилда иккала ҳудудда ҳам Хонқа тумани ва Урганч шаҳрида 1 ёшли болалар орасида касалланиш даражаси энг кам қайд қилинган бўлиб Хонқа туманида жами касаллик аниқланган 516 нафар боладан 22 нафари $4,26 \pm 0,85$ ни ташкил қилган, жами касалланган болаларнинг 60 нафари $11,62 \pm 1,412$ ёшли болалар бўлган, 3 ёшли болалар орасида 117 нафар $22,67 \pm 1,84$ билан етакчилик қилган бўлса 99 нафар $19,18 \pm 1,73$ болалар 4 ёшда бўлишган.

4-5 ёшли болалар орасида ҳам касалланиш кўрсаткичи сезиларли даражада юқори бўлиб қолмоқда 99 нафар $18,19,18 \pm 1,73$ -95 нафар $18,41 \pm 1,1,7$ бўлиб қолмоқда. Энг кам касалланиш кўрсаткичи 6-7 ёшли болалар тегишли равишда 59 нафар $11,34 \pm 1,39$ ни 64 нафар $12,4 \pm 1,44$ ни ташкил қилган.

Урганч шаҳрида жами 682 нафар болада касаллик аниқланган бўлиб улардан 26 нафари $3,79 \pm 0,73$ и 1 ёшли, 98 нафари $14,30 \pm 1,334$; 96 нафар $14,01 \pm 1,325$ 2-6 ёшлилар ташкил қилган. Энг юқори касалланиш кўрсаткичи 3 ёшли болаларда 153 нафар $22,33 \pm 1,59$ ни ташкил қилган. Умуман олганда икки ҳудуд орасидаги қиёсий таҳлил шуни кўрсатадики 3-5 ёшли касалланган болалар орасида касалланиш энг юқори кўрсаткичкарда сақланиб қолган.

2025 йилда умумий паразитар касалликлар билан касалланган болалар ёшлар бўйича қуйидаги жадвалда тасвирланади.

	1 ёш		7 ёш		2 ёш		6 ёш		5 ёш		3 ёш		4 ёш	
	аб.с	%	Аб.с	%	Аб.с	%	Аб.с	%	Аб.с	%	Аб.с	%	Аб.с	%
Урганч шаҳри	21	3.52 +0.74	50	8.38 $\pm 1,13$	55	9.22 $\pm 1,18$	94	15.77 $\pm 1,49$	98	16.44 $\pm 1,51$	138	23.15 $\pm 1,72$	140	23.48 $\pm 1,73$
Хонка тумани	6	1.51 $\pm 0,63$	12	3.13 $\pm 0,883$	36	9.37 $\pm 1,48$	72	18.7 $\pm 1,98$	78	20.3 $\pm 2,05$	86	22.4 $\pm 2,12$	94	24.4 $\pm 2,19$

Таҳлил қилинган 2 йилда ҳам (2024-2025) 1 ёшгача бўлган болалар орасида касалланиш энг паст кўрсаткич қайд қилинди. Хонқа туманида 2025 йилда жами

6 нафар болада паразитар касалланиш қайд қилинган 1.51 ± 0.63 бўлса Урганч шаҳрида ушбу ёш гуруҳида 21 нафар болада касалликлар қайд қилинган 3.52 ± 0.74 , 2025 йилда шунингдек иккала ҳудудда ҳам (Хонқа тумани ва Урганч шаҳри) 7 ёшли болаларда (касалланишлар кўрсаткичи ўсиб бориш тартибидан) солиштирилганда 2 ўринда қолмоқда Хонқа туманида 12 нафар 3.13 ± 0.883 , Урганч шаҳрида 50 нафар 8.38 ± 1.13 ни ташкил қилган, шунингдек ҳар иккала ҳудудда (ЎБТ) да 2 ёшлилар кейинг ўринни эгаллаган Хонқа туманида 36 нафар 9.37 ± 1.48 , Урганч шаҳрида 55 нафар 9.22 ± 1.18 , Хонқа туманида кейинг етакчикини (ЎБТ) бўйича 6 ёшлилар 72 нафар 18.7 ± 1.98 , урганч шаҳрида ушбу ўринда 5 ёшлилар етакчиликини қайд қилган 94 нафар 15.77 ± 1.49 , 3-4 ёшлилар орасида касалланиш кўрсаткичи юқориликча қолган Хонқа туманида 3 ёшлилар жами касалланганларнинг 86 нафарини ташкил қилган бўлса 22.4 ± 2.12 , Урганч шаҳрида 138 нафар 23.15 ± 1.72 ни ташкил қилган. Энг юроқи касалланиш кўрсаткичи ҳар иккала ҳудуддаги ёш вакиллари орасида 4 ёшлилар бўлган болиб Хонқа туманида 94 нафар 24.4 ± 2.19 , Урганч шаҳрида 140 нафарни 23.48 ± 1.73 ни ташкил қилган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Abdoli A., Olfatifar M., Gharibi Z. Giardiasis in Asian children: A meta-analysis. *Parasite Epidemiology and Control*. 2021;12:e00204.
2. Abdullayev U.M., Azzamova Sh.U., et al. Bolalarda parazitlar kasalliklar epidemiologiyasi. *Toshkent tibbiyot jurnali*. 2025;1:12–18.
3. Alvarado B.E., Vasquez L.R., et al. Intestinal parasitosis and anemia in preschool children. *Tropical Medicine & International Health*. 2014;19:148–156.
4. Badri M., Olfatifar M., Gharibi Z. Global prevalence of helminth infections in children: A meta-analysis. *Parasitology Research*. 2025;124:455–469.
5. Bethony J., Brooker S., Albonico M., et al. Soil-transmitted helminth infections: Epidemiology and control. *The Lancet*. 2006;367:1521–1532.
6. Centers for Disease Control and Prevention (CDC). *Parasites – Enterobiasis*. Atlanta; 2023.
7. Centers for Disease Control and Prevention (CDC). *Global parasitic diseases surveillance report*. Atlanta; 2022.
8. El-Sayed N.M., Ramadan M.E. The impact of intestinal parasitic infections on children's health. *Journal of the Egyptian Society of Parasitology*. 2017;47(1):1–12.